

## ЎЗБЕКИСТОН АГРОСАНОАТ МАЖМУИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Илҳомов Санжарбек Алишер ўғли**

*Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси  
Лойиҳа бошқаруви мутахассислиги тингловчиси*

**Аннотация:** *So'nggi vaqtda asosiy oziq-ovqat mahsulotlarining narxi jadal o'sib borayotgani, dunyoning ba'zi mintaqalarida aholi keskin oziq-ovqat taqchilligini boshidan kechirayotgani kuzatilmoqda. Bunday tahdidlarni bartaraf etish yo'lida ekin maydonlaridan samarali foydalanish, fermer, dehqon xo'jaliklari, qishloq xo'jaligi tashkilotlari va tomorqa yer egalari huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish, oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlash, qishloq joylarda aholining bandligini ta'minlash va farovonligini yuksaltirish bo'yicha tizimli ishlar amalga oshirilmoqda. Yuzaga kelgan globallashtirish sharoitida agrar va oziq-ovqat sohasida investitsion muhitni yanada yaxshilash orqali investitsion jozibadorlikni oshirish va davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash chora-tadbirlarini muvofiqlashtirish asosiy vazifalarimizdan hisoblanadi.*

**Калит сўзлар:** *Agrosanoat, agrologistika, modernizatsiya, diversifikatsiya, agrosanoat majmui, fermer xo'jaligi, investitsiya, xorijiy investitsiya, oziq-ovqat havfsizligi, oziq-ovqat balansi.*

**Аннотация:** *В последнее время наблюдается стремительный рост цен на основные продукты питания, при этом в некоторых регионах мира население испытывает острую нехватку продовольствия. На пути устранения таких угроз проводится системная работа по эффективному использованию пахотных земель, защите прав и законных интересов фермеров, дехканских хозяйств, сельскохозяйственных организаций и приусадебных землевладельцев, обеспечению продовольственной безопасности, обеспечению занятости и повышению благосостояния населения в сельской местности. Основными задачами в условиях происходящей глобализации являются повышение инвестиционной привлекательности за счет дальнейшего улучшения инвестиционного климата в аграрном и продовольственном секторах и координация мер государственной поддержки.*

**Ключевые слова:** *Агропромышленность, агрологистика, модернизация, диверсификация, агропромышленный комплекс, сельское хозяйство, инвестиции, иностранные инвестиции, продовольственная безопасность, продовольственный баланс.*

**Abstract:** *Recently, there has been a rapid increase in prices for basic foodstuffs, while in some regions of the world the population is experiencing acute food shortages. In order to eliminate such threats, systematic work is being carried out to effectively use arable land, protect the rights and legitimate interests of farmers, dehqan farms,*

*agricultural organizations and household landowners, ensure food security, ensure employment and improve the welfare of the population in rural areas. The main tasks in the context of ongoing globalization are to increase investment attractiveness by further improving the investment climate in the agricultural and food sectors and coordinating government support measures.*

**Keywords:** *Agroindustry, agrologistics, modernization, diversification, agroindustrial complex, agriculture, investments, foreign investments, food security, food balance.*

## **КИРИШ**

Қишлоқ хўжалиги деганда, боғу-роғлар, бепоён ғалла ва пахта далалари, чорва ҳайвонлари, тўкин-сочин дастурхонимиз, умуман бутун ҳаётимиз кўз олдимизда намоён бўлади.

Сўнги йилларда мазкур соҳа тубдан ислоҳ қилиш бўйича тизимли тадбирларни амалга оширилди ва бугунги кунда илгари кузатилмаган юқори натижалар қўлга киритилмоқда.

Бугунги кучли рақобат ҳамда иқлим ўзгаришлари шароитида қишлоқ хўжалигига инновация ва илғор ишланмаларни, интенсификация ва ресурс тежовчи технологияларни, энг асосийси илм изчил татбиқ қилинмоқда.

Кейинги пайтда бутун дунёда бўлгани каби юртимизда ҳам табиат инжиқликлари тез-тез кузатилаётгани, сув ресурсларининг чеклангани илм-фан ва ишлаб чиқариш уйғунлигини янада кучайтирди.

Ўз навбатида, омилкор деҳқонларимиз замонавий билимларни ўрганиш баробарида, кўп йиллик бой тажрибани қўллаш орқали маҳоратини ошириб, алоҳида азму шижоат кўрсатишмоқда.

Йил бошидаги аномал совуқ, баҳордаги жала ва ёғингарчиликлар, ёз чилласининг ўта иссиқ келиши ва сувнинг ҳар йилгидан сезиларли даражада камлиги соҳа меҳнаткашларини яна бир бор синовдан ўтказди.

Шунга қарамасдан, соҳа ривожига қаратилган алоҳида эътибор, яратиб берилаётган муносиб меҳнат шароити туфайли қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида баракали ҳосил етиштирилиб, ўтган йилларга нисбатан юқори натижаларга эришилди.

Жорий йилда аграр соҳада тизимли ислоҳотларни амалга оширишга катта эътибор қаратилиб, маъмурий ислоҳотлар амалга оширилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни хусусан, чорвачилик ва иссиқхона хўжаликларини, пахта-тўқимачилик кластерларини молиявий қўллаб-қувватлаш, ҳамда узумчилик ва виночилик соҳасини барқарор ривожлантириш, хом ашё базаси кенгайтириш ва экспорт ҳажмини ошириш, аграр секторни замонавий, ресурс тежамкор техникалар билан таъминлашни рағбатлантириш бўйича янги механизмлар жорий этилди.

Шунингдек, маҳсулот етиштирувчиларда ихтиёрийлик асосида экинларни мустақил жойлаштириш, давлат идоралари аралашувини бекор қилиш, фермерларга эркинлик бериш бўйича қарорлар қабул қилинди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Тадқиқот мавзусининг долзарблигидан келиб чиққан ҳолда хорижий давлатлар ва мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан инвестицияларни жалб этиш масалаларига доир олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қатор илмий асарлар, рисоалар ва мақолалар эълон қилинган.

Инвестиция муҳити ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий омилларнинг таъсирида ривожланар экан, уни ўрганиш, мазмун-моҳиятини очиқ бериш мамлакат инвестиция муҳитининг умумий ҳолатини аниқлашда, сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминлашда, маҳаллий ва хорижий инвенторларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашда, ишлаб чиқаришни модернизациялашда, рақобат муҳитини яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Одатда мамлакатда яратилган инвестиция муҳити икки асосий йўналишда – хатар (таваккалчилик) ва имконият (даромадлилик) кўринишида тавсифланиб, инвестициялар киритилиши ва ўзлаштирилишида келиб чиқиши мумкин бўлган ҳавф-хатарлар ва даромадлар олиш учун яратилган иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва сиёсий имконият ва имтиёзлар тизимини ўз ичига олади.

Инвестиция миллий иқтисодиётда нисбатан янги термин ҳисобланади. Инвестиция (лотинча. Инвестио - ўраш) иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида ўз мамлакатада ёки хорижда турли тармоқларга, ижтимоий-иқтисодий дастурларга, инновация, тадбиркорлик лойиҳаларига узоқ муддатли капитал киритишдир.

Бу борада Евстигнеев томонидан Инвестиция фаолияти – юридик ва жисмоний шахсларнинг фойда олиш ва ўзгача фойдали самарага эришиш мақсадида инвестициялар киритиши ва амалий ҳаракатларни бажаришидир деб таъриф берган [1].

Ушбу келтирилган таърифда инвестициялаш, яъни ресурсларнинг муайян инвестиция фаолияти объектларига ўзгариши ва қўйилган маблағларнинг капитал қийматга айланиши ҳамда фойда ёки ижтимоий самарага эришиши (инвестиция фаолиятининг якуний мақсадини амалга ошириш) каби ҳаракатлар назарда тутилган.

Сухарев, Шманев ва Куряновларнинг фикрларига тўхталиб ўтадиган бўлсак, улар томонидан тадқиқотида инвестиция фаолиятини бошқарув даражасига кўра таснифлаб, унинг асосий ўлчамлари, мазмуни, мақсадлари, амалга ошириш усуллари ва режалаштирилган натижалари кўриб чиқилган. [2]

А.Абдуғаниев ва А.А. Абдуғаниевнинг қарашларига кўра Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуасини ривожлантиришда инвестицияларнинг жалю этилиши объектив зарурият ҳисобланади. Чунки тармоқни устувор тарзда ривожлантириш учун унинг маддий-техник базаси ва техник ва технологик

қурулланганлигини мустақкам барпо этиш зарур. Бунинг учун уни замонавий бино-иншоотлар, барча турдаги зарур, самарали техникалар, қишлоқ хўжалиги механизмлари ички ирригация ва мелиорация иншоотлари инновацион технология ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш лозим. [3]

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақолада аграр соҳадаги лойиҳаларни амалга оширишда инвестицияларни жалб этилиши тизимли таҳлил, статистик маълумотларни гуруҳлаш, солиштирма таҳлил, анализ ва бошқа таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Таҳлиллар ва натижалар

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати тармоқларида 2022 йилда жами 2 266 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилди. Ушбу мақсадлар учун жами 8,8 трлн. сўм маблағлар сарфланди.

### Қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилган инвестиция лойиҳалари

5000	Мева-...	Чорвачилик	Озиқ-овқат	Бошқа...
■ Лойиҳа қиймати (млрд. сўм)	2701,8	3254,5	1915,5	968,7

Манба: Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

1-расм. 2022 йилда Қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилган инвестиция лойиҳалари, млрд. сўмда

Мазкур ажратилган маблағларни молиялаштириш манбалари бўйича таркибий тақсимооти

- Кредит маблағлари – 1,9 трлн. сўм;
- Ташаббускорларнинг шахсий маблағлари – 5,2 млрд. сўм;
- Ҳорижий кредит линиялари – 107,3 млн. доллар;
- Ҳорижий инвестиция маблағлари – 50,7 млн. долларни ташкил этди.

Бунда, мева сабзавотчилик йўналишида – 2,7 трлн. сўмлик 789 та, озиқ-овқат саноати йўналишида - 1,9 трлн. сўмлик 308 та, чорвачилик йўналишида – 3,3 трлн. сўмлик 990 та ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги йўналишида – 968 млрд. сўмлик 179 та лойиҳалар амалга оширилди. Мазкур инвестиция лойиҳаларини ишга туширилиши натижасида жами 33 236 та янги иш ўринлари яратилди.

1-жадвал.


2022 йилда Аграр соҳани қўллаб-қувватлаш учун ажратилган субсидиялар (йўналишлар кесимида), млрд. сўм

№	2022 йилда ажратилган субсидия йўналишлари	Қиймати, д. сўм

1	Пахтада томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш учун	71,3
2	Бошқа экинларга сув тежовчи технологиясини жорий этиш учун	5,2
3	Боғ ва тоқзорларда сув тежовчи технологияларни жорий этиш учун	105,7
4	Саноатбоп узумчиликда томчилатиб ва артезиан қудуқ учун	14,3
5	Чорвачилик (балиқ, парранда) соҳасини қўллаб-қувватлаш учун	477,8
6	Аҳоли томорқасида қудуқларни бурғулашга	95,6
7	Тутзорларда қудуқ ва томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш учун	4,9
8	Аҳоли хонодонларида етиштирилган хўл пилла учун	120,2
9	Қишлоқ хўжалиги техникаси сотиб олишни рағбатлантириш учун	66,6
1	Фермер хўжаликлари сув насослари электр энергияси учун	244
1	Ерларни қайта фойдаланишга киритишга	92,6
1	Бошқалар	86,1
	Жами:	1 384,3

Мазкур маълумотлардан кўриниб турибдики, аграр соҳани ривожлантириш мақсадида давлат бюджет маблағлари ҳисобидан жами 1 384,3 млрд. сўмлик субсидиялар ажратилган. Бу эса 2021 йилга нисбатан 88 млрд. сўмга кўпни ташкил этади.

2-расм. 2022 йилда 2020-2022 йилларда аграр соҳага давлат бюджетидан



ажратилган субсидиялар, млрд. сўм

Давлат томонидан аграр соҳадаги лойиҳаларини молиялаштиришнинг йилдан-йилга ўсиб бориши ҳамда зарурий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экинни рағбатлантириш орқали озиқ-овқат хавфсизлиги барқарорлигини таъминлаш ҳамда импорт қилинадиган маҳсулот ҳажмини босқичма-босқич қисқартиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Хулоса ва таклифлар

Республикамизда аграр соҳада лойиҳалар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантириш бўйича умумлаштирилган қўйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

Инвестицияларни қўллаб-қувватлаш инфратузилмасини такомиллаштириш. Бунда, инвестицион фаолиятни қўллаб қувватлашга ихтисослашган янги молия институтларини ташкил этиш ҳамда уларнинг функциялари ва имкониятларини кенгайтириш, мазкур институтларга малакали хорижий ва маҳаллий мутахассислар ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

Худудлар ва тармоқларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳалар қўламини кенгайтириш, уларни амалга оширишда қатъий назорат ўрнатиш учун янги тизим ташкил этиш;

Ривожланган давлатлар қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш борасидаги бой тажрибасини юртимизда кенг жорий қилиш, агросаноат мажмуасига инновацион технологияларни жорий этиш амалиётини ўзлаштириш мақсадида таълим йўналишидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўларди.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. В.Р. Евстигнеев “Финансовый рынок в переходной экономике” Монография, Т: 2000.
2. Сухарев, Шманев, Курьянов "Экономическая оценка инвестиций" 2008.
3. Абдуғаниев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. -Т.: Адабиёт жамғармаси. 2007.
4. O‘zbekiston Respublikasi Президенти ҳузуридаги Davlat statistika агентлигининг rasmiy veb-sayti ([www.stat.uz](http://www.stat.uz))
5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий веб-сайти ([www.cbu.uz](http://www.cbu.uz))
6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги расмий веб-сайти ([www.agro.uz](http://www.agro.uz))